

Бу қандай улуғ фазлу марҳамат



14:00 / 07.03.2023 1471

Фаришталар сенинг ҳаққингга дуо қиладиган саккиз ҳолат:

1. Жамоат намозида биринчи сафда ҳозир бўлганингда.
2. Намоз тамом бўлгандан сўнг масжидда дуо қилиб ўтирганингда.
3. Касал кўргани борган вақтингда.
4. Аллоҳ йўлидаги дўстингни зиёрат қилганингда.
5. Биродарингни ғоибда эслаб, унинг ҳаққига дуо қилганингда.
6. Инсонларга яхшилиқни таълим берган вақтингда.
7. Таҳоратли ҳолда уйқуга ётган вақтингда.
8. Саҳарлик тановул қилаётган вақтингда.

Ислом шундай неъматки, уни Иброҳим алайҳиссалом отасига, Нух алайҳиссалом ўғлига, Муҳаммад алайҳиссалом амакиларига насиб этишини орзулаганлар. Лекин Аллоҳ таоло бу неъматни уларга насиб этмади, раво кўрмади. Бизга эса ушбу неъматни сўровимиз ва орзуимизсиз ҳам ато этди, неъматлантирди... Бу қандай улуғ фазлу марҳамат эканини ҳис этяпмизми!? Бу ҳақда Аллоҳ таоло «Албатта, Аллоҳ одамларга нисбатан фазлу карам соҳибидир. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар», деб мараҳамат қилган (Ғофир сураси, 61-оят).

Ҳар доим қабр азоби ҳақида сўзлашадию, қабр роҳати ҳақида сўзланмайди.

Қабр неъматлари:

1. Унга жаннат тўшакларидан тўшаб берилади.
2. Унга жаннат либосларидан кийдирилади.
3. Унга шамол, насими келиб туриши, хушбўй ҳидларидан ҳидлаши ва унга қараб кўзлари қувнаши учун жаннатдан бир эшик очиб берилади.
4. Қабри унга кенгайтириб берилади, унинг ҳиди хўшбўйлик ҳиди каби бўлади.
5. Унга Аллоҳнинг розилиги ва жаннатининг хушхабари бериб турилади. Шу сабабли ҳам у қабр соҳиби қиёмат келишига муштоқ бўлади.
6. Жаҳаннамдаги ўрни кўрсатилиб, Аллоҳ таоло унга жаннатдаги ўрин билан алиштириб берилганини кўрсатилганидан кейинги унинг сурури
7. Қабрда худди куёв боладек ухлаб ётади ва қабри нурлантириб қўйилади.

Уйқудан уйғонишингни маъноси шуки, Аллоҳ таоло сенга тавба қилишинг учун яна бир бошқа кунни муҳлат қилиб, (яшаш имконини) берди. (Унутма, бу берилган муҳлат) сенга кечаги маъсият ва гуноҳни тўлдириш учун эмас. Солиҳ фарзанд дунёда манфаат беради, қабрда даражани кўтаради ва охиратда шафоат қилади. Аллоҳим фарзандларимизни ислоҳ қилгин. Аллоҳим уларда барака ато этгин ва уларни солиҳ зурриётлардан қилгин!

Ўзингни солиҳ – яхши инсонман деб ўйламагин. Сен фақат мастур - айблари беркитилгансан холос.